Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 164 (6. 355) 1987 йил 21 июль, сешанба Баҳоси 3 тийин

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

МУНОСИБ СОВҒА

Роза Аҳмеджанова бошлиқ бригада аъзолари Улуғ Октябрнинг 70 йиллик тўйига муносиб совға тайёрлаш ниятидалар. Иш вақтидан самарали фойдаланаётган бинокорлар тобора кўпроқ қувончли ютуқларни қўлга киритаяптилар. Бунга сабаб уларнинг фан-техника янгиликларидан кенг қўламда фойдаланаётганлиқ а р и д а дир.

Бу коллектив 2-«Отделстрой» трестининг 46-қурилиш бошқармасида биринчилардан бўлиб техника билан дўстлашган бригадалардан. Пешқадамлар электр андаваларни қўллаб, меҳнат унумдорлигини бир ярим баробар оширишга эришдилар. Аввалари бир сменада 342 квадрат метр майдонда пардозлаш ишларини бажарган бўлсалар, айни кунларда бу топшириқни 513 квадрат метргача етказмоқдалар

Беш йилликнинг дастлабки йили планлари ортиғи билан адо этилган эди. Мусобақадош ҳамкасбларига ибрат кўрсатиб тер тўкаётган азаматлар юбилей йилининг беш ойлик топшириқларини ҳам белгиланганидан илгари бажардилар Улар 10 минг 400 ўрнига 10 минг 800 квадрат метр майдонда сайқаллаш юмушларини амалга оширдилар. Эришилган ғалабага бригадада кўп йиллар давомида тажриба тўплаган моҳир қурувчилар муносиб ҳисса қўшишди.

Ҳозир коллективнинг 18 нафар пардозловчиси София проспектида бунёд этилаётган 180 беморга мўлжалланган 1-юқумли касалликлар шифохонаси янги биносида меҳнат қилаяпти. Улар барча ишларни муддатидан 25 кун илгари — сентябрь ойида якунлашга қарор қилганлар. Сувоқчилардан Б. Нишонов, Б. Ажелписов, З. Корчигашчева, Р. Нишонов сингарилар касбдошларига меҳнатда намуна бўлишяпти. Улар зиммаларига йил охиригача планга қўшимча 3170 квадрат метр пардозлаш ишларини бажариш социалистик мажбуриятини қабул қилганлар. Бу касалхона кўзда тутилганидан икки ой илгари фойдаланишга топширилишидан дарак бериб турибди.

Д. ОБЛАЕВ.

Меҳнат унумдорлиги ошади

«Главташпассавтот р а н с» бошқармасига қарашли 3-автобус парки коллективи ҳам корхоналарда экономикани бошқаришни тубдан яхшилаш учун кўплаб янгиликларни ишга татбиқ этмоқда.

Бугунги кунда корхонадаги 80 ҳайдовчи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик байрамигача икки йиллик планни муддатидан илгари бажариш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Байроқдорлар сафида 35-маршрут ҳайдовчилари Ш. Ҳолмуҳамедов, Б. Жалолов, Г. Волкорец, 44-машрут ҳайдовчиси Ю. Ҳайдаров, 165-маршрут илғори Г. Муқимов, 43-маршрут пешқадами С. Ертуллаев каби ҳайдовчилар боришмоқда.

Ярим йиллик планни 106,9 процент қилиб адо этган коллектив аъзолари пландан ташқари 4 миллион 880 минг йўловчига хизмат кўрсатишди. Бугунги кунда улар ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Корхонада янги жиҳозлар ҳисобига эскиларидан воз кечиш тезкорлик билан бажарилмоқда. Ҳозир бу ерда янги корпус қурилиши бошлаб юборилди, 6 минг сўм сарфланадиган ана шу корпусда янги устахоналар ташкил этилади. Бу ишларнинг ҳаммаси корхона экономикасини яхшилаш учун замин яратади.

● Тошкент область партия комитети бюросининг навбатдаги мажлисида 1987 йил январь-июнь ойлари давомида капитал қурилиш плани қониқарсиз бажарилаётганлиги тўғрисидаги, кўп нусхали газеталар ишидаги камчиликлар тўғрисидаги ва бошқа масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниди.

Бюро мажлиси ҳақидаги батафсил ҳисобот бугун область газеталарида эълон қилинган.

Замондошимиз



Минг бир касб

Халқимиз азалдан кўплаб усталар етиштириб чиқарган. Ажойиб нақшлар, мисгарлар, тунукасозлар, дурадгорлар, заргарлар, ўймакорлар ва бошқа касб эгалари шулар жумласидандир. Улар тайёрлаган буюмларни харидорлар севиб харид қилишган. Уларнинг маҳсулотлари ҳозир ҳам кўпчилик томонидан қадрланади ва эъзозланади. Халқимизда «Йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз» деган ажойиб нақл бежиз айтилмаган. Тошкент «Металбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлган киши ҳам беихтиёр бир лаҳза ана шу нақлни ёдга олади.

Моҳир, ўз ишини виждонан ва сидқидилдан бажара оладиган, доимо маҳоратда бошқалардан ўзишга ҳаракат қиладиган усталарни бу ерда ҳам учратасиз.

Агар бирлашманинг . ўттизта қабул пунктларида бўлсангиз, усталарнинг минг бир касбда ишлаётганликларини кўрасиз. Айни пайтда улар олдига тобора янгича талаблар қўйиляпти.

Тўлқин Шермуҳамедовнинг ишлари билан танишганимизда биз шунга ишонч ҳосил қилдикки, ҳар бир касбга астойдил меҳр қўйиб ишлагандагина маҳсулотни аҳолига маъқул қилиш мумкин. Масалан, турли эшиклар, дарвозалар, карнизлар, хуллас бир сўз билан айтганда, рўзғор буюмларга талаб-эҳтиёж катта. Бирлашманинг энг яхши қолипловчиларидан бири Тўлқин Шермуҳамедов ўз касбини севади.

Шу кунларда у Улуғ Октябрь юбилейига бағишланган социалистик мусобақанинг пешқадамлари сафида бораяпти. Коммунистик меҳнат зарбдори ҳар бир дақиқа қадрига етиб ишламоқда. Энг аввало буюмлар сифатига эътиборни кучайтираяпти. У жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатаяпти. Масалан, кўнгилли халқ дружинаси аъзоси сифатида ўзига берилган жамоат топшириқларини виждонан адо этишга интиляпти.

Моҳир штамповкачи юксак аҳди — Улуғ Октябрь 70 йиллигигача йиллик шахсий планини адо этиш учун астойдил курашмоқда.

СУРАТДА: Т. Шермуҳамедов.

Э. Зоҳидов фотоси.

Буюртма қабул қилинди

Юбилей йилида катта мақсад сари дадил одимлаётган Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи аҳолини сифатли, чиройли газмоллар билан мамнун этиш ниятида.

1988 йили «Янгилик» маркаси билан эркаклар кўйлакбоп материали — батист, сатин тайёрлаб чиқаради. Бу газламалар майни, енгил ва пишиқлиги билан фарқланади.

Ҳозирги кунда корхона маҳсулотини чет эл мамлакатлари ҳам сотиб олмоқда. Яқинда комбинат коллективи Афғонистон ҳамда Монголияга 708 минг метр чит ва сатин юборди. Бу пландан 8 минг метр кўпдир. Йил охиригача яна 2 миллион 292 минг метр газлама тайёрлаб жўнатилади.

Графикдан ўзиб

Василий Шуваров бошчилик қилаётган комплекс бригада «Главташкентстрой»нинг 159-трести 8-қурилиш бошқармасига қарашли коллективлар орасида энг илғорлардан саналади.

Шу кунларда бригада аъзолари графикдан икки ой ўзган ҳолда шаҳримизнинг генерал Петров кўчасида қад кўтараётган 1568 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси қурилишида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Бригада пудрати методи асосида меҳнат қилаётган коллектив хўжалик ҳисоби усулининг афзалликларини ўз тажрибасида исботламоқда. Смена топшириқларини 15—20 процент ортиғи билан адо этмоқда. Айниқса К. Асроров ва А. Катков сингари ғишт терувчиларнинг меҳнатидан ҳамкасблар ўрнак олишмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан илҳомланган коллектив Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини ўн иккинчи беш йилликнинг икки йиллик план топшириқларини бажариш билан кутиб олишга аҳд қилди.

Мусобақа илғорлари

В. Кролец бошчилигидаги бригада коллективи «Главташкенстрой»нинг 4-трести 6-қурилиш бошқармаси коллективлари ўртасида бошланган социалистик мусобақада пешқадам ўринлардан бирини эгаллаб келади.

28 кишидан ташкил топган бригаданинг барча аъзолари турдош касбларни ўзлаштириб олишган. Ҳар бир қурувчи, монтажчи, ғишт терувчи, дурадгорлик касбларида бемалол ишлай олади. Бу эса иш вақтидан унумли фойдаланишда қўл келмоқда.

Пешқадам коллектив шу кунларда Измайлов кўчасида қад кўтарган кўпқаватли турар жой биносини фойдаланишга топшириш арафасида турибди. Бу бинони бунёд этишда коллективнинг тажрибали бунёдкорларидан Ж. Анбоев, А. Арслонова сингарларнинг хизматлари катта бўлди. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига қунгача икки йиллик план топшириқларини бажариш ташаббуси билан чиқишган. Бу илғорлар ташаббуси коллективнинг барча аъзолари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Г. БЕРДИЕВА,
М. ФЕЛЬДМАН.

Топшириқ бажарилди

Тошкент чинни заводининг янги ишлаб чиқариш корпуслари жадал суръатда қурилмоқда.

Бинокорлик ишларини «Главташкентстрой»га қарашли 11-қурилиш трести «Тошкент» механизациялашган кўчма колоннасининг Давлат Аҳмедов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси олиб бормоқда.

Барча ишлар меҳнат беллашуви асосида ташкил этилган бўлиб, коллектив бир неча ойдан бери пешқадамликни қўлдан бермаяпти.

Бинокорлар КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми материалларини пухта ўрганиб, қурилиш ишлари сифатига алоҳида эътибор беришмоқда.

Д. Аҳмедов бригадаси комплекс ишларни бошқарадиган 27 моҳир қурувчидан иборат бўлиб, ҳар бири икки-уч касб эгасидир. Бу илғор коллектив ярим йиллик планни 130 процент адо этиб, 1 миллион 430 минг сўмлик иш бажарди.

Бригада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик олтин тўйи шарафига ўтказилаётган мусобақада актив қатнашиб, йиллик планни 7 ноябрга бажариш мажбуриятини олган.

Тошкент—жаҳонга

Тунисга жўнатилади

«Ташхимсельмаш» заводи буюртмачилари рўйхатида Тунис мамлакатининг номи пайдо бўлди. Бу мамлакат Тошкент корхонасига пуркагич машиналари тайёрлаб бериш юзасидан буюртма берди. Шундай қилиб корхонада ОПХ—28 маркали пуркагич машинасини тайёрлаб жўнатишга киришилди.

Корхонанинг бундай маҳсулоти Афғонистон Демократик республикасининг қишлоқ хўжалиги далаларида ҳам қўл келмоқда. Қўшни ва дўст мамлакат кейинги йилларда бу машинадан кўплаб сотиб олди. Ўтган ойда эса тўртта ана шундай пуркагич машинаси Кобулга жўнатилди. Бундан ташқари битта «КВ—4 А» маркали экинлар поясини йиғиштириб оладиган машина ҳам юборилди.

Корхонада тайёрланаётган «ОПХ — 28» пуркагич машинасининг шуҳрати йил сайин ошиб бормоқда. У мамлакатимизнинг турли республикаларидаги экинзорларда ҳам ишлатилиши мумкин. Бу машина шу йил Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб Ватанимиз пойтахти Москвадаги СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасида ташкил этиладиган Бутуниттифоқ машиналари кўргазмасида намойиш этиладиган бўлди. Кўргазма экспонати Москвага тайёрлаб жўнатилди.

Тонгги газеталарда

● 18 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган республика кенгашида капитал қурилишдаги сурункали қолоқликка барҳам бериш, тармоқни узоққа чўзилган танг аҳволдан тезроқ халос этиш учун нималар қилиш зарурлиги тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Кенгашда партия ва совет ходимлари, министрликлар ва идораларнинг, йирик қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Мазкур йиғилиш ҳақидаги батафсил ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

● СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг 1987 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида СССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти берилган.

● Тошкент область партия комитети бюросининг навбатдаги мажлисида 1987 йил январь-июнь ойлари давомида капитал қурилиш плани қониқарсиз бажарилаётганлиги тўғрисидаги, кўп нусхали газеталар ишидаги камчиликлар тўғрисидаги ва бошқа масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниди.

Бюро мажлиси ҳақидаги батафсил ҳисобот бугун область газеталарида эълон қилинган.

«Киноплакат» дебюти

«Ўзбекфильм» студиясининг янги иши — «Ҳаёт мазмуни» деб аталган икки серияли картинани реклама қилувчи рангдор плакатларнинг дастлабки туркуми республика қишлоқ клубларига жўнатилди. Бу плакатларни тошкентлик рассомлар ва «Киноплакат» бирлашмасининг журналистлари тайёрладилар. Бирлашма кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасси ҳузурида ташкил этилган. Унда ишлашга машҳур мўйқалам ва қалам усталари В. А. Кудин, Э. Каримов, А. Читкаускас, В. Будаев, Н. Пирогов ва бошқалар жалб этилганлар.

— Янги фильмнинг реклама плакатида биз таниқли давлат ва партия арбоби Усмон Юсуповнинг ҳаётидан ёрқин саҳифаларни рамзий тасвирладик. Бу фильмда Усмон Юсупов ҳақида ҳикоя қилинади, — дейди плакат муаллифларидан бири Э. Каримов. — Бир қанча бадиий усуллардан — акварель, ранг тасвир, китоб графикаси элементларидан фойдаландик.

«Киноплакат» бирлашмаси қишлоқ клубларига реклама витриналарини тузишда ёрдам беради. Бу эса айниқса қишлоқда киночиларнинг кўпгина муаммосини ҳал этади. Энди улар тасодифий «гастролчиларнинг» хизматига мурожаат қилмайдилар ва кинолентани пропаганда қилиш учун колхоз кассаси маблағини сарфламайдилар. Кинoплакатларни эса профессионал усталар яратиб, уларни кўплаб босиб чиқариш учун мутахассислар — Ўзбекистон ССР маданият министрлиги ҳузуридаги бадиий кенгаш танлаб олади.

(ЎзТАГ мухбири).

Газетхон—газета—газетхон

«Оқшом»нинг сайёр редакцияси Куйбишев районига отланмоқда

Эртага, 22 июль чоршанба куни соат 17 дан то соат 19 га қадар Куйбишев район партия комитетида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси раҳбарлари ва ходимларининг Куйбишев райони меҳнаткашлари билан учрашуви бўлиб ўтади.

Биз Сизларни, азиз дўстлар, район партия комитетида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, амалга оширилаётган ишларни такомиллаштиришга йўналтирадиган мавжуд нуқсонларни бартараф этишга қаратилган саволларингиз, таклиф ва мулоҳазаларингиз билан кутамиз. Редакция ходимларидан ташқари район раҳбарлари ҳам иштирок этадиган бу учрашувда Сизнинг ҳам қатнашувингиз ишлаб чиқаришдаги «танг» жойларни аниқлаш, социал-маиший масалаларни ҳал қилиш, аҳоли турар жойларида олиб бориладиган ишларни янада оқилона ташкил этиш имконини беради. Бизнинг мухбирларимиз корхона ва ташкилотларнинг ишлари билан, райондаги янги қурилишлар билан атрофлича танишмоқдалар, лекин ана шу учрашувдаги иштирокингиз, бутун мамлакатда бўлгани каби қайта қуриш муаммоларига Сизнинг ҳам манфаатдорлик билан муносабатда бўлишингиз, районнинг шу кунги нафасини янада яхшироқ сезишга ва уни янада тўлароқ ёритишга, газетада ёритиладиган мақолаларга янги мавзуларни танлашда шубҳасиз ёрдам беради.

Шундай қилиб, учрашув эртага, 22 июль куни Куйбишев райони партия комитетида бўлади. Лекин ана шу учрашувнинг сиртқи қатнашчиси ҳам бўлишингиз мумкин. Бунинг учун 33-63-55, 67-58-84 рақамли телефонлар орқали соат 11 дан то соат 17 га қадар (тушки танффус соат 13 дан соат 14 гача) қўнғироқ қилишингиз ва ўзингизни тўлқинлантираётган муаммолар ҳақида сўзлашингиз мумкин.

Мухбирларимиз ўз кўзлари билан кўрган нарсалар ва Сизлар билан бўладиган учрашув чоғида ҳамда телефон орқали бўлган мулоқот пайтидаги билдириладиган фикр ва мулоҳазалар жамулжам этилиб, газетанинг навбатдаги яқин сонларидан бирида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

Яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз: учрашув эртага, 22 июль куни Куйбишев район партия комитетида соат 17 дан то соат 19 га қадар ўтказилади.

Учрашувнинг сиртқи қатнашчилари эса шу куни соат 11 дан то соат 17 га қадар 33-63-55, 67-58-84 рақамли телефонлар орқали қўнғироқ қилишлари мумкин.

Ягона қардошлик оиласида

КУЙЛАЙМАН ШАЪНИНГНИ ЭЙ, ОНА-ВАТАН, КУЙЛАЙМАН СЕНИ МЕН ҲУР РЕСПУБЛИКАМ!

Тожикистон Совет Социалистик Республикаси

Барча қардош республикалар Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив иштирок этмоқдалар.

Республика меҳнаткашлари кейинги йилларда партия режаларини оғишмай амалга ошира боришиб, халқ хўжалигининг барча жабҳаларида қатор муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Чунончи, саноатни, қурилишни, пахтачиликни ривожлантириш ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш бўйича муайян ишлар қилинди. Янги корхоналар, янги қувватлар ишга туширилди, янги шаҳарлар бунёд этилди. Тожикистонда ўнлаб миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил яшамоқдалар.

Кейинги йилларда республикада катта иқтисодий ва социал ўзгаришлар рўй берди. Халқ фаровонлиги йилдан-йилга ошиб бораяпти. Унинг пойтахти Душанба тобора чирой очмоқда. Бу ерда янги кварталлар, микрорайонлар, қад кўтарди. Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Амалий дўстлик алоқаларини халқ қўжалигининг исталган соҳасида яққол кўриш мумкин.

● (Бугунги Тожикистон ва унинг пойтахти Душанба ҳақидаги, унинг кечаги куни ва келажаги ҳақидаги туркум материалларни газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

СУРАТДА: Душанбанинг Чеслав Путовский номидаги кўчаси.

Ягона қардошлик оиласида

Куйлайман шаънингни эй, она-Ватан, куйлайман сени мен ҳур республикам!

Тожикистон Совет Социалистик Республикаси

Халқларнинг бузилмас дўстлиги, барча халқларнинг миллий маданияти ва миллий қадр-қимматини ҳурматлаш бугунги кунда миллионлаб кишиларнинг онгидан мустаҳкам ўрин олган. Коммунистик партия В. И. Ленининг таълимотига, социализм ғалабаларига таяниб, миллий масала соҳасида ғоят улкан туб ўзгариш ясайдиган ишларни амалга оширди. Совет халқи иқтисодий манфаатларнинг, идеология ва сиёсий мақсадларнинг ягоналиги негизида жипслашган сифат жиҳатидан янги социал ва интернационал бирлик сифатида ташкил топди. Ягона халқ хўжалик комплексини ривожлантиришда қардош республикаларнинг қўшаётган ҳиссаси муҳим роль ўйнамоқда. Республикаларнинг ишлаб чиқариш кооперациясини, ҳамкорлигини ва ўзаро ёрдамини ривожлантириш—кўп миллатли давлатимизнинг ва ҳар бир республиканинг юксак манфаатларига мосдир. Биз кўп миллатли совет социалистик маданиятининг ютуқларидан асосли равишда фахрланамиз.

Ҳур республикалар ягона оиласида Тожикистон ССР ҳам тобора гуллаб яшнамоқда. Партия XXVII съездида республикада электр-энергетика, химия, енгил ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик тубдан ривожлантирилган ҳолда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 23—26 процент кўпайтириш режаси белгилаб берилди. Роғун ГЭСида янги қувватлар ишга туширилади. Сангтўда ГЭСи қурилишини бошлаб юбориш кўзда тутилган эди. Ёвон электрохимия заводи қурилишини давом эттириш ва Тожикистон алюминий заводини қуриб битириш. Конибодом, Кўлоб шаҳарларида ва Файзиобод шаҳарларида йигирув-тўқув фабрикалари қуриш режаси белгилаб берилди.

Биз одатда, Ўрта Осиё, шу жумладан Тожикистон территориясини инсоният маданиятининг бешикларидан бири деб атаймиз. Тожик халқининг тарихи Ўрта Осиё халқлари — ўзбек, туркман, қирғиз, қорақалпоқ халқларининг тарихи билан ҳам узвий боғланган. Ўзбек ва тожик халқлари ака-укадек бир-бирига қадрдон, тожик ва ўзбек ҳаёти бир китобнинг икки саҳифасига ўхшайди.

Буюк аллома шоир Алишер Навоий ўзбек шеъриятининг бобокалони ҳисобланса, Абу Абдулло Рўдакий тожик классик адабиётининг жаҳоншумул аҳамиятига эга алломасидир. Форс-тожик қаҳрамонлик эпосининг яратувчиси, буюк «Шоҳнома» муаллифи Абулқосим Фирлавский ўзбек мухлисларига қанчалик қимматлик бўлса, энциклопедист олим Абу Али ибн Сино барча учун шунчалик қадрлидир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача Тожикистон территориясида деярли китоб, газета ва журналлар нашр этилмас эди. Совет ҳокимияти ўрнатилиши муносабати билан тожик халқи босма матбаачиликка эга бўлди. Тожик ўқувчиси рус ва жаҳон адабиётининг нодир намуналарини ўз она тилида ўқишга муяссар бўлди. Марксизм-ленинизм классикларининг асарларини тожик тилига таржима қилишга катта эътибор қаратилди.

Тожик халқи барча қардош совет халқлари оиласида социалистик ва коммунистик қурилишда катта муваффақиятларни қўлга киритди. Айни пайтда партия XXVII съездидан кейин қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида бу ерда айрим салбий ҳолатлар очиб ташланди. Съездда республика қишлоқ хўжалигини ҳам ривожлантиришнинг ойдин йўллари белгилаб берилди. Масалан, 1990 йилга бориб, бу ерда пахта толаси олиш 290 минг тоннага, шу жумладан ингичка толали пахта толаси олиш 88 минг тоннага етказилади. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам анча кўпаяди.

Тожикистон билан Ўзбекистон пахтакорлари, Тошкент билан Душанба шаҳри меҳнаткашлари ўртасидаги амалий дўстлик алоқалари йил сайин янги саҳифалар очмоқда.

СУРАТДА: Тожикистон кинематографчилар союзи аъзоси, ҳужжатчи — кино режиссёр Баҳо Содиқов.

С. Жуков, Р. Нетелев фотолари.

Душанба шаҳрининг истиқболи

Тожикистон ССРнинг пойтахти Душанба шаҳри йил сайин гўзал ва обод шаҳарлардан бирига айланиб бормоқда. Бир пайтлар бу пойтахтнинг ўрнида қишлоқ бўлган эди. Бугунги кунда эса Душанба республиканинг йирик иқтисодий ва маданий маркази бўлиб қолди.

Душанбада Тожикистон ССР Фанлар академияси, олий ўқув юртлари, театрлар, давлат филармонияси, маданий-оқартув ва даволаш-профилактика муассасаларининг кенг тармоғи таркиб топган. Республика пойтахтида ўнга яқин республика газеталари, қирқдан зиёд журнал ва вақтли нашрлар чоп этиляпти. Тожикистонда аҳолисининг сони жиҳатидан Ленинобод иккинчи ўринда туради. Шунингдек, бу шаҳар саноати ривожланган шаҳарлар сирасига киради. Қўрғонтепа, Конибодом, Турсунзода, Кўлоб, Исфара, Ўратепа, Норак шаҳарлари ҳам республиканинг йирик шаҳарлари ҳисобланади.

Тожикистон ва унинг пойтахти Душанба Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари ва пойтахтлари билан ғоятда узвий боғланган.

Тожикистон ва Душанба шаҳри урушдан кейинги даврда кенг ривожланиш йўлига чиқди. Умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар кенг таркиб топди, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Урушдан кейинги йилларда эса В. И. Ленин номидаги тожик Давлат университети очилди. Шунингдек, Душанбада политехника институти ташкил этилди. 1971—1972 ўқув йилида эса тожик физкультура институти ташкил топди. Ҳозирги вақтда Душанба бутун республика халқ хўжалигининг барча соҳалари учун олий ва ўрта малакали мутахассислар тайёрлаб бериш ўчоғига айланган.

1913 йилда бутун Тожикистон территориясида бор-йўғи битта касалхона бор эди. Унда қирқта ўрин мавжуд бўлган. Бундан ташқари 11 та амбулатория-поликлиника муассасаси мавжуд эди. Ҳозирги Тожикистон ва унинг пойтахти Душанбада даволаш ва профилактика муассасаларининг кенг тармоғи таркиб топган. Улар энг замонавий диагностика ва даволаш аппаратуралари билан жиҳозланган. Бу ерда 200 дан зиёд оналар ва болалар консультациялари ва поликлиникалари мавжуд. Меҳнаткашлар саломатлиги йўлида кўп сонли медицина ходимлари фаол иш олиб бормоқдалар.

1971 йилда Душанбада давлат ёшлик театри очилди. Бугунги Душанбада кўплаб осмонўпар замонавий бинолар, йирик иншоотлар қад кўтарган. Тожик халқи ўз фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланади. Тожик совет адабиётининг асосчиси Садриддин Айний СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган эди. Атоқли тожик шоири Мирзо Турсунзода эса Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотининг лауреати унвонига сазовор бўлган. Тожик совет музикасининг олтин фондидан «Тоҳир ва Зуҳра», «Лайли ва Мажнун» каби опералар ўрин олган.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

- Нодон дўстдан доно душман афзалроқ.
- Ишсиз тиригдан — ўлик яхшидир.
- Ёқутдан буғдойнинг донаси қиммат.
- Яхшилардан— шарофат.

Ёмонлардан —касофат.

- Бир қўлдан садо чиқмас.
- Аблаҳ ўз айбига бўлмайди иқрор, Ўзгалар айбини излар у ҳар бор.
- Ранжсиз ганж йўқ,

Ганжсиз ранж йўқ.

- Қозон қозонга дер: юзинг қорадир.
- Қарға бир гул топса агар, Ўзини булбулдек билар.
- Бугунги меҳнат, Эртанги роҳат.

Лойиқ ШЕРАЛИ,
Рўдакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофотининг лауреати.

Йўлга чорласа дўстлар...

Суғдийлар уйига меҳмон қўйганда қадам
Мудом қўлда олов билан чиққанлар пешвоз.
Токи, дилда меҳр ўти ёниб сарбаланд,
Олов каби дўстлик номин қилсин, деб эъзоз.
Қадам қўйса эшикдан суюкли дўст-ёр
Ўт теграсида чарх уриб айтганлар алёр.
Токи, олов ичра ёнсин гина, қудурат,
Сўнг дил меҳрин олов-ла қилсин, деб изҳор.
Томиримда суғдийларинг қони жўш урар.
Меҳрим ўтин дилда тугиб ошаман довон.
Мени йўлга чорласа ишқ ё азиз дўстлар,
Қалбим тўла оташ билан боргум ҳар қачон!

●

Замину осмоним сенсан, юрагим,
Баҳорим, хазоним сенсан, юрагим,
Сени гоҳ билдиму гоҳо билмадим,
Аён ноаёним сенсан, юрагим.

●

Тамоми бешазор ёнадур бу кеч.
Шан юлдузлар абгор ёнадир бу кеч.
Кўкда юлдуз ёнса, майлига ёнсин,
Сиз деб, дили бемор ёнадир бу кеч.

●

Дардин айтар ёмғир ошуфта, гирён:
Мен шитоб келдиму, кетдим беомон.
Шомдан то субҳидам айтдим тарона,
Тонг қотиб, бепарво ухладинг нодон,

●

Нозик идиш синиб бўлса гар барбод,
Ўртаниб қилмасман беҳуда вой-дод.
Лек, дўстнинг макридан тош тегиб бехос
Синса дил ойнаси фарёддир-фарёд!..

●

Дарё бўйи ажиб, ормижондир.
Унинг туби эса ўзга жаҳондир.
Тўлқинлар бир-бирин ютиб йўқ этар,
Дарё сатҳи тинчу, оқим равондир...

●

Кел, хушнуд бўлайлик дўсти-қадрдон.
Бизлар ҳали ёшу ўсмир-навжувон.
Бу ёшлик ниҳолин ҳар баҳор гулдек,
Қайтадан ўстириб бўлмас ҳеч қачон!..

●

Ҳеч қолмасин деҳқон ери шудгорсиз,
Шоир дили ҳам қолмасин ашъорсиз.
Ҳамиша бири кам кемтик жаҳонда.
Умри ошиқ ҳеч ўтмасин дийдорсиз.

Тожик тилидан Нусрат КАРИМ таржимаси.

Шарқ халқларида ҳар йили нишонланадиган «Наврўз байрами» деҳқончилик ишларини омилкорлик билан ўтказишга бағишланадиган тадбирлардан биридир. Бу байрам қадим-қадим замонлардан буён нишонланмоқда. Ана шу байрамда халқ сайлларн ташкил этилади, артистлар ва музикачилар, полвонлар маҳоратини намойиш этишади. Ана шу суратда тасвирланган чавандоз қиз баҳор фаслининг рамзий белгисидир.

ДЎСТЛИК МУШОИРАСИ

Мирсаид МИРШАКАР,
Тожикистон ССР халқ шоири, СССР Давлат мукофоти лауреати.

Ҳаёт чироғи

Не демакдир орзу, наҳот билмасанг!
Ҳаётнинг мунаввар чироғидир у.
Қандай қадам босар тунда мусофир,
Қўлида бўлмаса бу чироқ мангу!
Орзулардан тўла қалбим сийнамда,
Куну тун унга йўқ қарору фурсат.
Ниятингга етмоқ истамасанг гар,
Орзуйинг чироғи ўчсин то абад.
Қандай умр кўрди, орзусиз одам!
Оламда, тасаввур этмоғим қийин.
Ундан мушкулроқдир изламас экан,
Бу жаҳондан одам зоти орзусин.
Дунёда кўнгилмас, орзусиз кўнгил,
Рўдакийдек они тош айтмоқ даркор.
Агар тошда кўрсанг орзую ҳавас,
Уни кўнгил каби асрагин бисёр!

Тожик тилидан Тўхтамиш ТЎХТАЕВ таржимаси.

Зулфия АТОУЛЛОЕВА.

Диёрдан олисда

Ойим юборган олмалар орасида чумоли
ҳам Москвага келибди...
Эй диёрим, жажжи жонли элчиси,
Ташрифингдан кўзларимда нур-зиё.
Садқа айлай жону тан сенга бу дам,
Кафтларимга ўрмалаб чиқ, марҳабо.
Сен олиб келгач димоққа юрт ҳидин,
Хаста дилим қоплади шодлик севинч.
Кўзларим йўлга нигорон тўрт эди,
Тарк этиб, ҳар хаёл кетди ўкинч.
Ёш эдим, мурғак, бепарво эдим,
Ёру дўстинг қийнадим ёдда ҳамон.
Айт нетай, токи дилингда қолмасин,
Барча ҳасрат, барча армон, меҳрибон.
Энди билдим она юртим қадрини,
Тоғли гулшан сатҳидан кетгач йироқ.
Ҳар қарич тупроғи бўлди тўтиё,
Борлиғимга меҳридан ёққач чироқ.
Эй диёрим митти, тилсиз элчиси,
Ҳамдамимсан, ҳамдилимсан, жонга жон.
Бош эгиб сендан узр сўргум бу дам,
Чунки сенга бердим озор бир замон!

Тожикчадан Эгамназар СОҲИБНАЗАРОВ таржимаси.

Қалб кўзгуси

Тожигу ўзбек халқлари қадим-қадимдан бир-бирлари билан қон-қариндош, оға-ини. Уларнинг экин-тикин қиладиган ерлари, наинки ерлари, қалблари ҳам туташ. Шу боис, урф-одатлари-ю кийинишлари, хулқ-атворлари бир-биридан фарқ қилиши қийин.

Қадим вақтлардан ҳозирга қадар амал қилиб келаётган чалпакпазонни олайлик. Уни илк баҳорда, далага қўш чиқар маҳалида ўтказишган. Кейин-кейин қўш ўрнига тракторлар чиқди. Чалпак тўла товоқ кўтаришган хотин--ҳалажлар, нуроний чеҳраларидан баҳорий ёғду таралган қариялар, ёш-яланглар тракторчилар ҳузурига йўл олишади.

«Ризқимиз мўл бўлсин, очликка чидолмай шармисор бўлмайлик» деб, қўш чиқар маҳалда одамлар баъзан топилмаган бир кафт унни топиб, чалпаклар пиширишган. Чалпакпазон ўша олис-олис йиллардаги бутун ниятдан қолган удум. Қўш ўрнида тракторлар пайдо бўлди. Ер ўша-ўша — кўпчиб ётибди. Ағдарилганда илиқ ҳовур кўтарилади.

Замин ўша — одат ўша!

Тупроқнинг ҳидидан, осмоннинг беғуборлигидан кўнгиллари тоғдай ўсиб-кўтарилиб, киндик қони тўкилган ер билан ҳамнафаслигидан қувончга тўлган Эл ўша!

Эл ўша—удум ўша!

Тожик халқи Наврўз байрамини ҳар йили чинакам халқ шодиёнасига айлантириб юборади. Ҳар бир гиёҳ шаънига, кўкдаги хуршиди муаззаму, чуғур-чуғур қилишаётган қушлар шаънига янги кун — Наврўз шарофати билан шеърлар, қўшиқлар тўқишади.

— Бизнинг қишлоғимиз сойнинг икки бўйида жойлашган, — дейди СССР халқ артисти Жўрабек Муродов. — Баҳор келиши билан қизлар, аёллар бир томонда, йигитлар, эркаклар иккинчи томонда қўшиқ айтишишарди. Биз болалар ҳам уларга қўшилардик. Назаримизда пастда оқиб ётган сой, гуллар, тоғу тошлар ҳам куйлаётгандек бўларди. Мен қўшиқчи бўлишимга қишлоғимизда ҳали-ҳануз сақланиб қолган ана шу удум сабаб бўлган дея баралла айта оламан.

Халқ удумлари... Уларни ўша халқ қалбининг кўзгуси деб аташ мумкин. Ҳар бир халқ ўз удуми-ю одатлари билангина баркамол бўлишини англаб етган тожик дўстларимиз уларни асраб-авайламоқдалар, уларни янгича анъаналар билан уйғунлаштириб, совет турмуш тарзини янада бойитмоқдалар.

Шойим БЎТАЕВ.

(Тожикистон ССРга бағишланган материалларни «Тошкент оқшоми» мухбирлари тайёрлашган).

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Ҳиндистоннинг янги президенти

ДЕҲЛИ. Ҳукмрон Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси (И) номзоди Рамасвами Венкатараман Ҳиндистон республикасининг янги президенти этиб сайланди. У бугун ўтказилган овоз ҳисобининг якунларига кўра оппозициядаги партиялар номзодидан анча ўзиб кетди. Сайлагувчилар коллегиясининг аъзолари эга бўлган бир миллиондан кўп овоздан у 740 мингдан ортиқ овоз олди.

76 яшар Р. Венкатараман — Ҳиндистоннинг жанубидаги Тамиланад штатидан чиққан. Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракатининг ветерани Р. Венкатараман сиёсат ва давлат ишларида катта тажриба орттирган кишидир. Р. Венкатараман Мадрас университетини битирган. Узоқ вақт юридик практика билан шуғулланган. У 1952 йилдан бошлаб Республика Парламенти халқ (қуйи) палатасига бир неча бор депутат қилиб сайлаган. 1980 йилдан 1984 йилгача мамлакат молия министри ва мудофаа министри лавозимларини эгаллаган. У 1984 йилнинг августида Ҳиндистоннинг вице президенти қилиб сайланди ва шу вақтгача мазкур лавозимда ишлаб келди. Р. Венкатараман бир неча марта расмий визит билан Совет Иттифоқига келган.

Маҳаллий кузатувчилар Р. Венкатараман ғолибларнинг ғалабага эришганлигига Бош министр Ражив Гандини бошчилик қилаётган Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси (И) нинг муҳим муваффақияти сифатида баҳо бермоқдалар. Бу пария парламентда кўпчилик — тўртдан уч ҳисса ўринга эга. Ҳиндистоннинг саккизинчи президентини қасамёд қилдириш тантанали маросими 25 июлда бўлади. Ҳозирги президент Заил Сингҳнинг ваколат муддати 24 июлда тугайди.

● ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Музика халқларни яқинлаштиради

ТУНИС. Мен Тунис заминида Совет Ўзбекистони музика жамоатчилигининг вакиласини қутлашдан хурсандман, деди Тунис маданият министри Закария Бин Мустафо СССР билан Тунис ўртасидаги маданий ҳамкорлик программаси доирасида Тунисга келган тошкентлик музикашунос Мавлуда Ёқубхўжаева билан суҳбатда. Мен республикангиз ва унинг пойтахти билан танишман. 1982 йилда СССРда Тунис маданияти кунлари муносабати билан пойтахтингизга борган, Тунис делегациясига раҳбар сифатида Ўзбекистонда бўлган эдим. Серқуёш ўлкангиз ҳақидаги энг яхши таассуротларни хотирамда сақлаб қолдим, унинг тарихи, маданияти ва анъаналари билан танишдим. Ўша кунларда биз концертларда бўлиб, анъанавий ўзбек музикасини тингладик. Мамлакатларимиз географик жиҳатидан бир-биридан узоқ бўлишига қарамай, сизнинг халқ куйларингиз бизга яқин ва тушунарли эканлигини айтишни истардим. Умид қиламанки, тунисликларнинг СССР халқлари маданиятига ва совет кишиларининг Тунис маданиятига қизиқиши СССР билан Тунис ўртасидаги мавжуд алоқаларни кенгайтириш ишига хизмат қилади. Чунки музика халқларни яқинлаштиради, деди министр.

Эрон—Ироқ уруши

БАҒДОД. Эрон қўшинлари фронтнинг «Дажла дарёсидан шарқдаги» участкасида ироқликларнинг олдинги позицияларига яна ҳужум қилдилар, дейилади бош ҳарбий қўмондонлик ахборотида. Ироқликларнинг қарши ҳужуми чоғида кўпдан-кўп енгил ўқ узиш қуроллари, гранатометлар, тўплар ва транспорт воситалари ўлжа олинди.

Фронтнинг шимолий участкасида Эрон қўшинларининг позициялари тўплардан қаттиқ ўққа тутилди. Душман аскар ва техникасидан катта талафот берди. Майсан вилоятининг шарқий қисмида, Басрадан шарқда ва марказий йўналишда интенсив отишмалар давом этди. Эроннинг узоққа отадиган артиллерияси Басра шаҳрини сурункали тўпга тутиб турди. Бир неча уй вайрон бўлди, аҳоли ўртасида ўлганлар бор.

Бир кеча-кундузда Ироқ ҳарбий ҳаво кучларининг вертолетлари 28 марта жанговар учиш қилиб, душман қўшинлари йиғилган жойларга зарбалар берди, деди бош ҳарбий қўмондонлик вакили.

Ироқ президенти Саддам Ҳусайн миллий барам муносабати билан радио ва телевидение орқали сўлаган нутқида Эрон-Ироқ можаросини батамом бартараф этишни ёқлаб гапирди. Икки мамлакат ўртасида қарийб етти йилдан бери олиб борилаётган қонли урушга чек қўйилиши лозим, деб таъкидлади у.

НИКОСИЯ. Фронтнинг жанубий участкасида Ироқ қўшинлари бошлаган ҳужумғўпга тутиш билан барбод этилди, деб ҳабар беради ИРНА агентлиги. Душманнинг бир неча танки ва бронетранспортри яксон бўлди, ўнлаб солдати ўлдирилди ва ярадор қилинди. Мажнун ороллари районида отишмалар давом этди.

Эрон жанговар катерлари Хўрмуз бўғозида на саккизта савдо кемасини тўхтатиб, текшириб чиқдилар

ИРНА агентлигининг хабарига кўра, Эрон кмондонлиги «Форс кўрфазини хорижий мамлакатлардан эмоя қилиш» планини эсдиқлаган. Эрон қўшинлари АҚШнинг агрессив кирдикорларини даф этишга батамом тайёрдир.

Чехословакия трамвайлари Москвада

ПРАГА. Прагадаги «ЧКД» заводининг коллективи 1988 йил бошидан Москва кўчаларида қатнайдиган «КТ8—Д5» янги трамвайини ишлаб чиқаришга тайёрламоқда. Янги трамвай ўз тузилиши жиҳатидан ажойибдир — бу 300 пассажирга мўлжалланган уч секцияли мослашувчан вагондир. Ниҳоятда қулай янги трамвайнинг электр двигателлари тиристор қурилмалар билан таъминланган бўлиб, улар электр энергиясни 25 процентгача тежайди. Чехословакия трамвайлари Москва кўчаларида ик маротаба 1959 йилда пайдо бўлган эди. Ҳозир эса Москва трамвай паркида 1200 дан ортиқ вагон бор. Улар кунига қарийб 700 минг пассажир ташийди.

ҚОЧИШ УЧУН БУТЕРБРОДЛАР

Швециядаги Гетеборг шаҳрида жойлашган қамоқхонада ғалати қочиш содир бўлган. Бу ерда жазо муддатини ўтаётган 24 ёшли бир аёл камерадан изсиз йўқолган. Камеранинг қулфи ўз жойида қолган, темир панжаралар ҳам бузилмаган.

Буни қаранки, маҳбус эрталабки нонушталарда бериладиган мойни ҳафталаб йиққан. Мой етарлича тўплангач, у мойни баданига суртиб, темир панжаралар орасидан бемалол ўтиб кетган. Кейин аёл қамоқхона деворидан ошиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлган, деб ёзади Югославиянинг «Политикин забавник» газетаси.

«ИНГЛИЗ ТИЛИГА ҚИЗИҚИШ ЙЎҚОЛДИ»

Ҳиндистонда чиқадиган газеталарнинг бирида шундай сарлавҳали мақола босилган. Бу мақола

Калейдоскоп

Деҳли шаҳри мактабларида инглиз тилдан бўлиб ўтган имтиҳонлар хусусида ёзилган.

Шуниси диққатга сазоворки, имтиҳондан «йиқилганлар» 80процентни ташкил қилди. Баъзи бир мактаблара ўқувчилар ҳаттоки «рта» баҳо ҳам олишолмаган, Деҳли бўйича, имтиҳони «аъло» баҳога беш кишигина топширган. Айрим мутахассислар, программа мураккаблиги, текстар қийинлиги, зериқарли ўтаётган дарслар ўқувчиларда инглиз тилига бўлган ихлосни сусайтирган, деб баҳолашмоқда. Ироқ, инглиз тилини билмаслик Ҳиндистонда истиқомат қилишни мушкуллаштиради.

ВИЛЬНЮС. Юозас Бальчиконис 40 йилдан буён гиламдан тортиб миллий костюмларгача бўлган буюмларни яратиш билан шуғулланмоқда.

Юозас Балчиконис Паневежис шаҳри яқинидаги қишлоқда туғилган. Болалигидан бошлаб у рассом бўлишни орзу қилган. Она табиат ва одамлар унга ҳамиша илҳом беришди. Санъаткорнинг тўқиган бир қатор гиламлари болалик кунлари тўғрисидаги яхши хотиралардир. Бундан ташқари рассомнинг «Тинчлик», «Она Ватан гуллари» сингари ўймакорлик ва ҳайкалтарошлик услубида ишлаган расмлари ўзига хос санъат намунасидир. Рассом тўқиган гиламлар жамоат биноларининг даҳлизларини безаб турибди. Вильнюсдаги «Неринг» меҳмонхонасига осилган унинг асари ҳаммага манзур бўлади. Бундан ташқари санъат ходимлари саройида ҳам «Музика оҳанглари» гилами осилган.

Юозас Балчиконис 200 га яқин ноёб гилам, оммавий ишлаб чиқариш учун бир ярим минг нусха газлама намунасини яратишга муяссар бўлди. Унинг энг яхши асарлари Бутуниттифоқ ва чет эл мамлакатлари бўйлаб намойиш этиладиган кўргазмалардан ўрин олган.

СУРАТДА: Литва ССР халқ рассоми Ю. Балчиконис «Летува» ансамбли солистлари даврасида. Рассом ана шу артистларнинг костюмлари моделлари эскизини тайёрлаб берган.

А. Сабаляускас фотоси.

●

СУРАТДА: Арманистондаги Ахурян районининг Фрунзе номидаги колхози илғор сут соғувчилари Ирина Мкртичян ва Нарине Хачатрян. Улар ҳар бир сигирдан йилига планга қўшимча 600 килограммдан сут соғиб олишга эришмоқдалар.

Г. Калачьян, М. Шахбазян фотолари, ТАСС фотохроникалари.

Устоз рассом портрети

Истеъдодли ёш рассом А. Икромжонов атоқли мўйқалам усталари образларини акс эттирган қатор картиналарнинг муаллифи сифатида ҳам танилди. Шу ўринда «Ўрол Тансиқбоев», «Чингиз Ахмаров» каби портрет асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Рассом ҳозирда ҳам шу мавзуда қатор расмлар чизиш билан банд. Устоз ижодкор Ҳикмат Раҳмонов образини полотнода жонлаштиришни ҳам у ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бу ижодий режаси яқинда амалга ошди.

Санъаткор портрети ёш рассом талқинида ўзига хос жозиба касб этди.

С. ОДИЛОВА.

Каникулда... бозорда

Тошкентдаги Фарҳод бозоридан Бахтиёр Ғуломовни милиционер олиб чиқиб кетди. Ун тўрт яшар ўсмир бу ерда сабзавот сотар эди. Тартиб ўрнатиш хизматининг вакилига у бундай деб тушунтирди:

— Мен бозорда ўзим савдо қилишга ҳали ҳаққим йўқ эканлигини биламан, албатта Аммо ёзда барибир бекорчиманку. Ундан кўра ота-онамга полизимизда етиштирган нарсаларни сотишга кўмаклашганим яхши эмасми.

Милиция балоғатга етмаган сотувчиларни фақат бозордан эмас, автобус бекатларидан, гавжум чорраҳалардан ҳам ҳайдаб юборишига тўғри келмоқда. Бу ерда улар ўз қоплари ва тўрваларини ёйиб ўтиришади. Улар ана шундай тарзда ўз каникулларини ўтказишмоқда. Бунда уларнинг ота-оналаригина айбдор эмас. Мактаб ўқувчиларининг аксарияти ёзда бекор қолишади, улар ўзлари билан ўзлари машғул. Тошкент шаҳар комсомол комитети ҳузурида ташкил этилган якка тартибда ишга жойлаштириш штабида Бахтиёр Ғуломовга ёқадиган машғулот топиб беришди. Ҳозир у қурилишда ишлаб, ўқувчилик иш ҳақини олмоқда. Йигитча ҳам, ота-онаси ҳам мамнун. Бироқ, Тошкентда ўсмирларни ишга жойлаштириш муаммоси ҳали ҳал этилган эмас.

— Ўз ёзги каникулларини фойдали ўтказишни истовчи кўпгина мактаб ўқувчилари бизга келишади, — дейди штаб бошлиғи Д. Эгамбердиев. — Аммо биз уларнинг ҳаммасига ҳам ёрдам бера олмаймиз. Ҳозир кўпгина корхоналар хўжалик ҳисобига ўтмоқда ва малакасиз ходимларни, бунинг устига вақтинча ҳамда тўлиқсиз иш кунига қабул қилиш уларга бефойда бўлиб қолди. Болалар боғчалари, яслилар, поликлиникалар, турли савдо ташкилотлари аввалгидек кичик медицина ходимларига, ёрдамчи ишчиларга, энагаларга, жуда муҳтож. Аммо улар ҳам мактаб ўқувчиларини базўр ишга қабул қиладилар. Ирригация хўжаликларини сақлаш ва ремонт қилиш ҳамда кўкламзорлаштириш ихтисослашган бошқармаси ишга бошқача ёндашиш намунасини кўрсатмоқда. Бу бошқарма билан биз ҳамкорлик ўрнатдик.

...9-синф ўқувчиси Омон Қудратов каникулдан мамнун. У мактабидаги ўз ўртоқлари билан бирга Тошкентнинг марказий кўчаларида гуллар ва дарахтларни парвариш қилмоқда.

— Мактабда вокал-чолғу ансамбли тузмоқчимиз. Ишлаб топган пулимизга музика асбобларини сотиб олишга қарор қилдик.

Ихтисослашган бошқарманинг бошлиғи С. К. Зоҳидов бундай дейди: — Биз мактаб ўқувчиларини бажонидил қабул қиламиз. Ҳозир улар кўкламзорлаштириш ишлари билан шуғулланувчи ходимларимизнинг бешдан бир қисмини ташкил этади. Кунига тўрт соат ишлаб, 75 сўм иш ҳақи оладилар. Агар яхши ишласалар ой охирида уларни окладнинг 25 процента миқдорида мукофот кутади.

Айрим ташкилотларнинг раҳбарлари ўсмирларни ишга жойлаштириш проблемасига ўзгача назар билан қарай бошлаганликларидан шаҳар комсомол комитети штабининг хизмати катта. У кўпгина бошланғич ташкилотлар билан алоқа ўрнатган. Болалар ишга жойлашаётган корхоналарнинг комсомол комитетлари уларни ўз тарбиясига олиб, янги коллективга кўникиб кетишга кўмаклашмоқдалар, уларни анча тажрибали ўртоқларга бириктириб қўймоқдалар. Бироқ, ёзги каникул бошидан буён шаҳар ижроия комитети қошидаги ишга жойлаштириш бошқармаси билан биргаликда бу штаб атиги 500 нафар юқори синф ўқувчисининг илтимосини қондирди, ваҳоланки Тошкентда қарийб 80 минг юқори синф ўқувчиси бор. Демак, ёзги каникулда шаҳарда қолган бу болаларнинг аксарияти бекор юрибди. Республиканинг ҳамма шаҳарларида ҳам ана шундай вазият вужудга келган.

А. ИВАНОВА,
(ЎзТАГ мухбири).

ЁЗ—ЎТМОҚДА СОЗ

Оржоникидзе районидаги 25-мактаб қошида ташкил этилган «Гулхан» пионер лагери ўқувчиларнинг севимли дам олиш масканига айланган. Бу ерда ҳар хил тўгараклар ишлаб турибди.

СУРАТДА: моҳир қўллар тўгараги машғулот ўтказмоқда.

Р. Шарипов фотоси.

ОНАГА ОТИЛГАН «ТОШ»

(Воқеий ҳикоя)

...Тақа-туқ, тақа-туқ, тақа-туқ!

Ғилдираклар остидан таралаётган бу садо она алласи каби ёқимли. Вагон худди беланчакдек бир маромда силкиниб боряпти. Ташқарида ҳавонинг тафти баланд, аммо купе муздек салқин, роҳатбахш. Пастки поғонадаги ўриндиққа чўзилган Солиҳ бувининг кўзлари юмуқ, у Тошкентга — ветеранлар совети йиғилишига кетяпти. Қуроллдош дўстлари билан учрашиш завқи ором бермаяпти унга. Аҳён-аҳёнда юзига табассум югуриб, лабларидан узун-юлуқ сўзлар учади. Шундай пайтларда шошиб кўзини очади-ю, ён-верига қараб қўяди: яхшиямки, атрофида ҳеч ким йўқ. «Узоқ йўлда ҳамроҳсиз қийин экан», дейди ўзича ва яна ёстиққа бош қўяди.

Шу алпозда бува қанча ётганини билмайди. Уйқу элитибди. Бир маҳал уйғонса, рўпарасида ёшгина бир йигитча ўтирибди.

— Кел ўғлим, — деди бува шодланиб. Бола «жим» дегандай кўрсаткич бармоғини лабига босди.

— А-а? — кекса алланимага тушунди шекилли, бош ирғади, — қуёнман дегин? Отинг ким?

— Акмал! Уйдан қочиб келяпман. Билет ололмадим, пулим йўқ...

— Ие, нега уйдан қочасан? Даданг дўппосладими?

— Йўқ, дадам ўлганлар. Ҳакимпиённинг машинаси уриб кетди.

Акмалнинг кўзида ёш айланди. Шу пайт купе эшиги очилиб темир йўл формасидаги контролёр кўринди.

— Ие, бу ёкда эканларда, — деди у даканг хўроздай ҳужумга шайланиб. Лекин боланинг юзидаги ёш томчиларини кўриб сўкишга шайланган лаб-лунжини дарров йиғиштириб олди: — вой, йиғлаяптиларми қуёнчамиз? Қочқоқ. Мирзачўлда орқасидан тушганман. Вагонма-вагон изғиб, ҳеч тутқич бермайди. Ниҳоят...

— Жим бўлсангизчи! — ўшқирди чол, сўнгра Акмалга юзланди: — нима бўлди, гапир болам, бувангдан яширма...

Йигитча вагон деразасидан ташқарига тикилди. Симёғочлар бир-бирини қувлаб орқага югуришяпти. Улар Акмаллар яшайдиган ҳовлининг шундай ёнгинасидан ўтиб, охири чўл бағрига сингиб кетади.

Кечки пайт эди. Акмал сўнгги имтиҳонни топшириб уйга қайтаётганида ойиси ўша симёғочлардан бирига суянганича аллаким билан сўзлашиб турарди: униси ким бўлди экан? Ия, Жўранинг дадаси Сирож ака-ку! Узоғи йили ойиси қазо қилганида синфдоши бир ҳафта мактабга келмай қўювди. Хабар олгани борган Акмал ўртоғининг қозон-товоқларни юваётгани устидан чиқиб қолди. Ўшанда у:

— Келинчак, келинчак, ўчоқ боши келинчак, — дея Жўрани калака қилиб роса кулганди. Шу-шу, Жўра бошқа партага ўтиб ўтирадиган, у билан учрашганида ҳали-ҳанузгача рўйхуш бермайдиган бўлиб қолганди.

Акмал Сирож аканинг куйиб-пишиб гапираётганини кўриб ўзича ўйлади: «Ойимдан идиш-товоқларни ювиб бер, деб сўраётган бўлсалар керакда». Лекин ойиси негадир жим, фақат юзлари қизарган, боши эгик.

У илдам юриб келди-да, Жўранинг дадасига салом берди.

— Хўш, имтиҳонлар тугадими? — сўради Сирож ака аликдан сўнг.

— Ҳа, саккизга ўтдик, — деди Акмал хурсандлигини яширолмай, сўнгра ойисига ўгирилди: — биз кинога тушмоқчи эдик.

— Майли, ўғлим. Аммо кечикма, бувинг хавотир оладилар.

Аксига олиб Акмал кинодан анча кеч қайтди. Совхоз клубида ҳиндча фильм кўрсатишди.

Ҳовлига кириб келганида ҳали чироқлар ўчирилмабди. Ҳаммаёқ сув сепгандек жим-жит. Акмал атрофга разм солди-ю, серрайганича қотиб қолди: она ўчоқ бошида пиқиллаб йиғлаб ўтирибди, буви эса унга орқа ўгирганларича тумшайиб олганлар. Акмални кўриб бувининг зардаси ўша супа устида турган мис самовардай яна биқирлаб қайнай бошлади:

— Эҳа, Акмалхон келдингми? Янги дада муборак бўлсин, табриклаймиз!

— Янги дада? Янги дада керакмас! Қанақа дада?

— Буни эрсираб қолган ану ойимтилло ойингиздан сўранг. Ҳали ўғлимнинг мурдаси совумасдан туриб Сирож сувчини сизга дада қилмоқчилар!

Она чидаб туролмади:

— Нима, ўғлингизни мен ўлдирибманми? Тўрт йилдан буён шу катта уйнинг тул бекаси бўлиб ўтирибманку.

Бу гап кампирнинг даҳанини баттар қичитди:

— Билиб қўй, ҳой беҳаё, мен ёлғиз неварамни ўша Сирож сўтакнинг етимчаларига талатиб қўймайман. Тизгинг бўйнингда, кетсанг, ўзинг кетавер... Тавба, ўттиз беш ёшда эр қилишни ким қўйибди бунга?

Кампир шундай дея шитоб билан келиб неварасини бағрига босди, бужмайган қўллари билан унинг сочларини силай бошлади. Ҳеч нимага тушунмай карахт бўлиб турган Акмал шундагина ўзига келди, жиққа ёш тўла кўзларини онасига тикиб, илтижо қилди:

— Бизни ташлаб кетманг, ойижон!

— Ўғлим, — деди она ўрнидан туриб юз-кўзларини бошидаги дуррасининг учига артар экан, — фарзанд — қалб парчаси. Ахир, инсон ўз юрагининг бир бўлагини кесиб ташлаб олмайдику. Эсингда бўлса, марҳум даданг Сирож аканг-нинг қадрдон дўсти эдилар. Жўранинг укаларини кўрдингми, ҳаммаси кир-чир, кичиги Ойшахон ойисини қўмсаб, бетоб бўлиб қолибди. Мен уларга ҳам она бўлмоқчиман, ўғлим. Сирож аканглар бизникига кўчиб келишади. Бирга яшаймиз.

Партком бувангга маслаҳат солган эдим, уларнинг уйини водийдан кўчиб келган ёшлар учун ётоқхона қилиб қўямиз, дедилар. Биласан, колхозимиз янги, уй-жой етишмаяпти.

Акмал бир силтаниб бувисининг бағридан чиқди-да, она қаршисига келиб ўдағайлади:

— Ҳа-ҳа, энди билдим, ҳақиқатан эрсираб қолган экансиз. Аммо Жўралар бизникига кўчиб келадиган бўлса, бу уйда мени ҳеч қачон кўрмайсиз, — шундай деди-ю маънисига ўзи ҳам тушуниб етмайдиган оғир бир сўкишни оғзига олди, — манжалақи!

Бу сўзни эшитган она ўқдан яраланган кишидай бир силкиниб, ҳовли ўртасидаги гилос танасини қучоқлаганича секин-аста ерга чўккалади. Ғазабнок Акмал буни кўрди, лекин она ҳолатига заррача ҳам парво қилмай ўзини ҳовли эшигидан ташқарига отди.

Станцияда у қанча вақт сангиб юрганини билмайди. Миясида фақат бир фикр ғужғон ўйнарди: тезроқ бу ердан жўнаш керак. Бироқ қаёққа? Ҳа, эсига тушди: Тошкентда амакиси бор, заводда ишлайди. «Мен ҳам шу заводга ишга кираман, деди у ўз қароридан мамнун бўлиб, кечқурунлари эса ўқийман».

Уфққа ранг кира бошлаган пайтда гудок эшитилди, станцияга поезд кириб келди...

...Акмал яна деразадан ташқарига қаради. Тақа-туқ, тақа-туқ, тақа-туқ! — Купега чўккан оғир сукутни фақат шу садо бузмоқда. Ниҳоят Содиқ бува тилга кирди:

— Чакки қилибсан, ўғлим, — деди у чуқур уф тортиб, — сўнгги бир оғиз сўзинг она қалбини яралаганини билсанг эди...

— Ҳа, — деди контролёр тумшайганича Акмалга тикилар экан, — ойингни қаттиқ ранжитибсан, бола. Ноҳақ сўз — заҳардан хавфлироқ, дилни жароҳатлайди, охир-оқибати — инфаркт.

Йигитча бир чўчиб тушди. Буни сезган бува контролёрни қойиган бўлди:

— Э, ваҳимангиз қурсин, боланинг ўтакасини ёрай дедингизку! Чўчима ўғлим, ойинг ёш, бу ҳақоратга ҳали юраги дош беради. Аммо онанинг эзгу орзусига тўсқинлик қилиш қобил фарзандга номуносибдир. Мана, мен бир умр онам олдидаги гуноҳим ўтида қоврилиб келаяпман.

— Қанақа гуноҳ?

— Онайизоримни ўзим ўлдирганман.

— Нима? — контролёр сакраб ўрнидан туриб кетди, — онангизни ўлдирганмисиз-а?

Кўкраклари орден ва медалларга тўла бу кексанинг ўз онасини ўлдирганига Акмалнинг ҳам ишонгиси келмасди.

— Ҳа, ҳа, мен қотилман, болаларим. Бир сиқим хўл пахта билан онамни нобуд қилганман, — бува ич-ичидан тўлқинланиб келаётган дардни босмоқчи бўлди шекилли, қаттиқ кучаниб оқ рўмолга бурнини қоқди, кўзидаги намни кафтининг тескари томони билан артди-да, қўшиб қўйди: — ўша даҳшатли йиллар ҳозиргидай кўз ўнгимда турибди...

...У етти ёшда эди ўшанда. Пастқам кулбалардан ташкил топган тоғ қишлоғининг нақд ўртасида пишган ғиштдан қурилган катта иморат савлат тўкиб турибди, у каттакон боғ оғушида. Ана шу кошонада Бадалбой истиқомат қилади. Боғнинг девори орқасида эса Солиҳларнинг каталакдай уйи бор. Бугун бу уйда мотам. Кеча Солиҳнинг дадаси тоғ тошларидан пахса ураётиб, тўсатдан девор остида қолиб кетди. Азага келган бой тиловат қилаётиб бирдан Солиҳнинг онасига кўзи тушди-ю, фотиҳага кўтарилган қўли ҳавода муаллақ қолди: йиғидан юзкўзлари шишиб кетган бева шу аҳволда ҳам малакдай гўзал эди.

— Бу ёққа кел, Ҳожар, — дея бой қўл силтаб бевани чақирди ва чўнтагидан пул чиқариб, қаршисида мотамсаро бош эгиб турган жувонга узатди, — маъракасига ишлат. Кейин ўғлинг билан бизникига кўчиб ўт...

Азага келганлар Бадалнинг ҳимматига қойил қолиб, уни узундан-узоқ дуо қилишди.

Бой Ҳожар тўқол хотин бўлишга дарров кўнақолади, деган хаёлда эди. Эҳ-ҳе, очлик не кунларга солмайди кишини. Ахир, ўлим — борнинг пулини сочади, йўқнинг этагини очади, деб бежиз айтишмаганку. Дарҳақиқат, отанинг «қирқи» ўтиб-ўтмай Солиҳлар уйида сичқонлар ҳасса таяниб қолди. Шунда ҳам Ҳожар бойнинг таклифига рози бўлмади, ёлғиз фарзандини кундошларга ем қилиб қўйишдан чўчиди. Аммо Бадал ҳам аноийилардан эмасди.

Бир куни бойникида ҳовли супураётган Ҳожар ўрик шохига илиб қўйган эски камзули чўнтагига Бадалнинг бир шода маржон солиб қўйганини пайқамади ҳам. Чунки унинг бутун фикри-зикри уйида, очиқиб ўтирган ўғли Солиҳ билан банд эди. Иккита суви қочган нонни қўлтиғига қистириб уйига қайтган беванинг орқасидан кулбага Бадал бошчилигида хизматкорлар, домла-имом ва қишлоқ ўнбошиси кириб келишди.

— Шу ўғирлаган! — деди Бадал оғзидан кўпик сочиб, — тинтиб кўринг, ўнбоши!

Бойнинг имоси билан ўнбоши эски камзул чўнтагидан маржонни топиб олди.

— Ўғри! Бу кунингдан ғарлик қилганинг яхши эмасми, манжалақи? — жаҳлга минган домла қўлидаги ҳассаси билан беванинг елкасига туширди.

— Осиб ўлдириш керак буни, — деди ўнбоши.

— Йўқ, — Бадал ўз ҳукмини эълон қилди, —тошбўрон қиламиз, ҳайданглар!

Марҳум эрининг эски пўстинига бурканиб ўтирган Ҳожарни икки девангирдай йигит даст кўтарганларича ташқарига олиб чиқишди. Онаси орқасидан эргашиб бораётган Солиҳнинг чинқириғи бутун қишлоқни оёққа турғазди.

Пўстини тескари кийгизилиб, қўллари чилвир билан орқасига боғланган Ҳожарни судраб келиб, тоғ этагига тикка турғазиб қўйишди. Тоғликлар одатига кўра ўғрини уриб ўлдиришар ёки тошбўрон қилишарди. Айни пайтда аёл кишига қўл кўтаришни улар қаттиқ номус деб билишарди, демак...

Бир пасда тумонат одам йиғилди. Ҳамма бевага ачиниш билан тикилиб турар, Ҳожарнинг сочлари тўзғиган, оқуникидай тим қора кўзларида, булоқ суви каби тиниқ чеҳрасида нафрат ва ғазаб қотиб қолгандай эди. Бадал қўлидаги қамчинни чап кафтига аста урганича беванинг қаршисига келди:

— Рози бўлсанг, ўлимдан сақлаб қоламан, — деди у аста шивирлаб, — итдай ўлиб кетма, рози бўлақол! Тиз чўк, гуноҳимни кечиринглар, де!

— Туҳматчилар! — дея бақирди Ҳожар ва бойнинг юзига тупирди. Бадал орқага тисланди, юзини артиб, ҳанузгача сукут сақлаб турган одамларга бақирди:

— Ўлдиринглар, буни! Савоби ота-бувларингизга тегсин, ўлдиринглар!

— Халойиқ, балки ростдан ҳам туҳматдир, — чинқирди қишлоқ кексаларидан бири, — уволига қолмайлик тағин.

Шу пайт домла-имом кириб келди:

— Сўзларим ёлғон бўлса, мана шу калому-шариф урсин мени, ўнбоши маржонни шу манжалақининг камзулидан топиб олди. Мана, гувоҳлар айтишсин.

Бойнинг атрофида турганлар «тўғри, тўғри» дея унинг гапини тасдиқлашди. Тошбўронни домланинг ўзи бошлаб берди. Шундан кейин бечора аёл устига тошлар дўлдай ёғила бошлади, аммо унинг кўпчилиги мўлжалга тегмас, чунки одамлар бу бахти қаронинг бегуноҳ эканлигини ичичидан сезиб, ҳис қилиб туришарди. Бироқ илож қанча, ўғрига тош отмаслик эски удумга кўра қаттиқ гуноҳ. Ҳожар эса тоғ тошидан йўниб ясалган ҳайкалдек қотиб турар, ҳатто бой гумашталари отган тошлар юзига текканида ҳам инграмасди у. Бу даҳшатга фақат Солиҳнинг юраги дош беролмади.

— Ойижон! — дея олдинга интилди, лекин кимдир елкасидан тортиб орқага итқитиб юборди, эски бесўнақай чопонига чувалиб қолган Солиҳ ариққа йиқилиб тушиб, ҳаммаёғи шалаббо бўлди, Ўрнидан туришга интилиб, бошини энди кўтарган эди, тепасида ўзига даҳшат билан тикилиб турган Бадалнинг қонталаш башарасига кўзи тушди.

— Тур ҳароми, — деди бой қўлидаги ханжарини Солиҳнинг бўйнига ниқтаб, — ёки сен савобдан четда қолмоқчимисан?

Қўрқканидан Солиҳнинг вужуди титраб кетди, ариқ тубидан тош олаётган бўлиб жанда чопонининг йиртиқ жойидан бир сиқим хўл пахтани узиб олдида, Бадалга сездирмасдан тошга ўхшатиб думалоқ қилди, секин ўрнидан туриб онаси томон юрди.

— От тошингни, аблаҳ, — ўдағайлади бой, Солиҳнинг кўз-ўнгида Бадалнинг пичоғи яна кўринниб кетгандай бўлди. У қўрқувданми ёки илк баҳор совиғиданми, титраб-қақшаб қўлидаги пахтани онага қараб итқитди. Пўстинга теккан «тош»нинг «чип» этган овози эшитилди.

Ҳинд маъбудасидай виқор, ўғлига тикилганича отилаётган тошлар довулига дош бериб, бирор марта инграмаган она даҳшатли бир чинқирди-ю, томири қирқилган маккажўхоридай юз тубан йиқилди. Шу заҳотиёқ Солиҳ онасига тош отди, деган фикр ҳамманинг миясини тилиб ўтгандай бўлди.

Ўша қишлоқ кексаси йиқилган Ҳожар олдига келди, уни чалқанча ётқизиб, пўстинга ҳамон ёпишиб турган нарсанинг оддий ҳўл пахта эканини кўриб ҳайратга тушди, уни ҳамманинг кўз ўнгида эзғилаганича Солиҳнинг қаршисида тўхтадида, пахтани етимчанинг башарасига отди:

— Қотил!

Солиҳ шундан кейин нималар содир бўлганини эс-эс билади: қизил аскарлар етиб келишди, Бадал, ўнбоши ва домланинг қўлларини боғлашди, онани ўша тоғ этагига дафн этишиб, Солиҳни ўзлари билан бирга олиб кетишди...

— Мана ўша «тош», — дея бува чўнтагидан тугилган рўмолчани олди, тугунни ечишдан олдин кўз ёшларини артди, сўнгра рўмолча ичидаги зиғирча пахтани Акмалга кўрсатиб деди:

— Фарзанд томонидан отилган пахта ҳам она қалбига тош бўлиб тегар экан, буни эсингда тут, болам...

Шу ерда Акмал чидаб тураолмади, юзини қўллари билан беркитиб ҳўнграганича купедан чиқиб кетди.

— Ие, қуёнчамизга нима бўлди? — ҳайратини яширолмай сўради контролёр. тағин йиғлаяптими?

— Ҳеч қиси йўқ, — деди бува ҳамсуҳбатига далда бермоқчи бўлгандай, — ойисини соғинган бўлса керак... Менга қаранг, биродар, мана пул, йигитчани орқасига қайтариб юборинг, хўпми?

— Хўп бўлади,отахон!

...Поезд Тошкентга яқинлашиб келмоқда эди.

Абдулла НУРИМОВ.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«Мухбир» — «Корреспондент» журналининг навбатдаги еттинчи сони босмадан чиқди. Бу сон Наманган 1-қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи Ж. Абдураҳмоновнинг «Ҳаётга активроқ кириб борайлик» сарлавҳали мақоласи билан очилади.

Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-босмахонасининг директори А. Мажидхўжаевнинг «Кундалик меҳнат билан тарихни давом эттирмоқдамиз» сарлавҳали мақоласи Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган.

Марказий нашрлар журналистларидан бир группасининг Ўзбекистон таассуротлари «Давра суҳбати» рубрикаси остида босилган.

«Қайта қуриш—давр талаби» рубрикаси остида «Ташкентская правда» газетаси редакторининг ўринбосари Н. Яковенконинг «Газетхонлар қалбига йўл топиб» мақоласида редакция коллективининг ижодий изланишлари тўғрисида фикр юритилади.

«Сўнмас сиймолар» рубрикаси остида ветеран полиграфчи ва мухбирлар ҳақида «Матбаачи Йўлдош Қосимов» ва «Мухбир Дилижон ким эди» сарлавҳали лавҳалар берилган.

«Сўзимиз таъсири» рубрикаси остида «Совет Ўзбекистони» газетасининг катта мухбири, СССР Журналистлар союзи мукофотининг лауреати Д. Маҳмудованинг «Теран мавзулар» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган.

«Ишчи-деҳқон мухбирлар ҳаракати тарихидан» рубрикаси остида ТошДУ журналистика тарихи кафедрасининг доценти Т. Пидаевнинг «Социализм учун курашнинг олдинги сафида» сарлавҳали мақоласининг биринчи қисми, «Китоб-оммага» рубрикаси остида эса тарих фанлари кандидати Н. Норқуловнинг «Ўзбекистоннинг митти китобчалари» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган.



Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғи шу кунларда дам олувчиларни ўз бағрига чорламоқда. Бу масканнинг сўлим табнати, муздек суви, қатор қулайликлари дам олувчиларга завқ бахш этади.

СУРАТДА: оромгоҳ қучоғида.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

75 кунлик саёҳат

Маданият хабарлари

Куни-кеча мамлакатимиз шаҳарлари бўйлаб катта сафарга йўл олган, тошкентлик киносаёҳатчилар группаси қардош Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрига етиб борди. Саёҳатчилар сафарга чиқиш олдидан Билимлар уйи биноси олдида йиғилишди. **Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган бу саёҳат группасининг раҳбари, Тошкент киносаёҳатчилар ва киноҳаваскорлар клубининг раиси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Б. Хўжаев мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Катта ва хайрли сафарга жўнаб кетаётган группамиз сафида киносаёҳатчилар клубининг операторлари Зиёвуддин Ҳасанов ва ҳайдовчи Виктор Иванов бор. Биз бу узоқ сафар учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрдик. 75 кун ичида 20 минг километр йўл босиб ўтишни мўлжаллаяпмиз. Маршрутимиз Тошкент—Бухоро—Ашхобод—Красноводск, шундан кейин Каспий денгизидан паромда кечиб ўтиб, Бокуга етиб борамиз. У ердан кейин Кисловодск ва Ростов-Дон шаҳарларида бўламиз. Бундан ташқари энг яхши ниятларимиздан бири Ватанимиз пойтахти Москвада жаҳон киноусталарининг анжумани ёпилиши маросимига етиб бориш ва ҳаяжонли воқеаларни лентага туширишдир.

Биз совет халқи бу йил Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини нишонлар эканмиз, албатта бу тарихий революция юз берган Ленинграднинг номини фахр билан тилга оламиз. Бу шаҳар ҳақида жуда кўплаб китоблар ёзилган ва фильмлар суратга олинган. Улуғ Октябрь воқеалари билан боғлиқ бўлган муқаддас қадамжоларни суратга олиш биз — киноҳаваскорларнинг орзуларимиздан бири. Шундан кейин Болтиқбўйи республикаларига ўтамиз.

Сафаримиз юзлаб шаҳарларни зиёрат қилиш, диққатга сазовор жойларни суратга олиш билан кифояланиб қолмайди. Айни чоғда Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳаваскорлик ленталарни ҳам намойиш қиламиз.

Иттифоқимизнинг 15 республикаси бўйлаб ўтадиган сафар асосида махсус фильм тайёрлаб, республикамиз томошабинлари диққатига ҳавола қиламиз.

«Катарсис»—ғолиб фильм

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтининг «Автодорожник» киноҳаваскорлар студияси учун бу йил самарали бўлмоқда. Унинг ижод намуналари турли кўрик ва конкурсларга тақдим этилиб соврили мукофотлар билан тақдирланди.

Студия яратган «Катарсис» номли ҳужжатли фильм ҳам яхши баҳоланди. Студент-ёшларни қизиқтираётган муҳим муаммоларга бағишланган мазкур картина Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллигига бағишланиб ташкил этилган область конкурсида ғолиб деб, топилди.

Режиссёр О. Циганков раҳбарлигида суратга олинган «Катарсис» фильми энг яхши ленталардан бири сифатида жойларда ҳам намойиш қилинади.

«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 23 июлда чиқади.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Кино

21 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАМРОҲ» — **Искра** (16, 18, 20.00).

«МАХФИЙ ТЕРГОВ» —**Тинчлик** (тоқ соатларда).

«ШАҲАР ЧЕККАСИГА САЙР» —**Лисунов номли** (тоқ соатларда), **Ҳамза номли** (ўқ соатларда).

«ГОРГОНАНИНГ БОШИ» — **Ғ. Ғулом номли** (17, 2000), **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«ОЛТИН МАЪБУДА» — **Хива** (ёзги, 22.15), **Янгиобод** (ўқ соатларда).

«БОШЛИҚ СОАТ 12 ДА КЕЛАДИ» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда).

22 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҰҒЛОНЛАР ДАВРИ» — **Искра** (12, 14.00).

«ҲАМРОҲ»— **Искра** (16, 18, 20.00).

«ДОВЮРАК ХОЧБАР ҚАҚИДА ҚИССА» — **Тинчлик** (тоқ соатларда), **Собир Рҳимов номли** (тоқ соатларда).

«ШАҲАР ЧЕККАСИГА САЙР» —**Ҳамза номли** (тоқ соатларда).

«ШАКТИ» — **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00).

«ГОРГОНАНИНГ БОШИ» — **Хива** (ёзги, 22.15).

«ИНТЕРВЬЮ ОЛГАН ИШИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ҒАЗАБНОКЛАР МАЙДОНИ» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«КУРЬЕР» — **Ғунча** (6, 18, 20.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-21-44, 44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-39.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 9 йиллиги — 78-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — 9634-02.
Искра — 39-14-59.
Нукус — 44-46-55 (администратор).

Шаҳар кинотеатрларида маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан таклиф ва истаклар бўйича Тошкент шаҳар ижроия комитети Киноларштириш бошқармасининг 33-37-11телефонига қўнғироқ қилинсин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР = РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ
ТОШКЕНТ ШАҲАР
КОМИТЕТИ

БУТУНИТТИФОҚ КОМСОМОЛ ЗАРБДОР ҚУРИЛИШИ — «ДАЛЬСЕЛМАШ» ЗАВОДИ (Хабаровск ўлкаси, Биробиджан шаҳри)ГА

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ИШГА ЮБОРИШНИ
ДАВОМ ЭТТИРАДИ

ғишт терувчи, дурадгор, бетончи, монтажчи, сувоқчи, бўёқчи, минорали ва кўприкли кранларнинг машинисти.

қурилиш ихтисосига эга бўлмаган кўнгиллилар жойнинг ўзида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда малака ошириш мактабида ҳунар ўрганадилар.

«ВЛКСМ XX съезди» номли зарбдор комсомол отряди қуйидаги адресда ташкил этилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 9-уй. Ишчи-ёшлар сектори. Справкалар учун телефонлар: 33-53-56, 33-13-48.

ТОШКЕНТ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ ВА ШАҲАР ЎҚУВ-КУРСИ КОМБИНАТИ

Химчистка қабул пунктлари қабул қилувчиларини тайёрлаш учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 3 ой.

Ўқишга 18 ва ундан катта ёшдаги кишилар қабул қилинади.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади, стипендия — 40 сўм.

Ўқишга суҳбат ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Машғулотлар — группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.



Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: ариза, таржимаи ҳол, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, паспорт, танлаган ихтисоси бўйича ўқишга лаёқатлилиги кўрсатилган, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, беш дона фотосурат (3х4 см.).

Справкалар учун телефонлар 35-25-64 (ўқув комбинати) ва 53-48-33.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
Роберт МАМЕДОВ ИШТИРОКИДА

«МУЪЖИЗАСИЗ МУЪЖИЗАЛАР ЁКИ ФАВҚУЛОДДА КЕЧА»

ПРОГРАММАСИ

ПСИХОЛОГИК ТАЖРИБАЛАР: **томошабинлар ижоди, хотира ва унинг имкониятлари, масофадан туриб фикр узатиш, эвритик ўйинлар, аутотренинг-готеротренинг.**

Томошабинлар билан бевосита ҳамкорликда ўтказиладиган тажрибалар чуқур илмий хусусиятга эгадир.

Томошалар: 21 июлда — соат 20.00 да бошланади. Касса ҳар куни соат 9 дан 20.00 гача очиқ.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг

ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

1987-1988 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: «Полиграфия машиналари ва асбоб-ускуналари» ихтисоси бўйича техник-механик, «Китоб товаршунослиги» ихтисоси бўйича товаршунослар. Ўқиш муддати — 2 йилу 10 ой.

«Текис босма технологияси» ихтисоси бўйича техник-технолог. Ўқиш муддати — 8 синф маълумотидагилар учун — 3 йилу 6 ой; «Қўлда ҳарф териш ишлари технологияси» ихтисоси бўйича техник-технолог, «Текис босма технологияси» ихтисоси бўйича техник-технолог, «брошюра-муқовалаш ишлаб чиқариши технологияси» ихтисоси бўйича техник-технолог. Ўқиш муддати — 10-11 синф маълумотига эга бўлганлар учун 2 йилу 6 ой.

Кундузги бўлимга 30 ёшгача бўлган ёшлар қабул қилинади.

Аризалар 8-синф маълумотига эга бўлганлардан —31 июлгача, ўрта маълумотга эга бўлганлардан — 14 августгача қабул қилинади.

СИРТҚИ БЎЛИМГА: «Китоб товаршунослиги» ихтисоси бўйича товаршунос. Ўқиш муддати — 8 синф маълумотга эга бўлганлар учун 3 йилу 9 ой.

«Қўлда ҳарф териш ишлари технологияси»— ихтисоси бўйича техник-технолог. Ўқиш муддати —2 йилу 10 ой; «Полиграфия саноати корхоналарида планлаштириш» ихтисоси бўйича техник-плановик. Ўқиш муддати 1 йилу 10 ой.

«Брошюра ва муқовалаш ишлаб чиқариши технологияси» ихтисоси бўйича техник-технолог. Ўқиш муддати — 10-11 синф маълумотига эга бўлганлар учун 2 йил 7 ой.

Техникумнинг сиртқи бўлимига ёши чегараланмаган ҳолда ўрта маълумотга эга бўлган кишилар — 3 курсга, 8-синф маълумотига эга бўлган кишилар — I курсга ўқишга қабул қилинадилар.

Сиртқи бўлимга аризалар 10 августгача қабул қилинади.

Техникумнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: она тилидан (диктант), математикадан (оғзаки), — 8-синф маълумотдагилар учун.

она тили ва адабиётидан (иншо), математикадан (оғзаки)— 10-11 синф маълумотидагилар учун.

ИЗОҲ: «Китоб товаршунослиги» ихтисоси бўйича ўрта маълумот билан ўқишга кираётганлар математика ўрнига СССР тарихидан кириш имтиҳони топширадилар.

Маълумоти ҳақидаги ҳужжатида «4» ва «5» баҳолари бўлган ўқувчилар «Қўлда ҳарф териш ишлари технологияси» ва «Брошюра-муқовалаш ишлаб чиқариши технологияси» ихтисосликлари бўйича ўқишга кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.

Ўқув юртига ёки унга яқин ихтисосга кўра танлаган касби бўйича камида икки йил меҳнат стажига эга бўлган кишилар кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлари тақдирда билим юртига қабул қилишда алоҳида имтиёзлардан фойдаланадилар.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ЎТАДИ:

кундузги бўлимда — 1 августдан 21 августгача;
сиртқи бўлимда —10 августдан 20 августгача.

Ҳамма ўқишга кирувчилар техникум директори номига танлаган ихтисоси кўрсатилиб ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (086/V форма), 4 дона фотосурат (3х4 см), корхона томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан нусха (ишловчилар учун), фамилияси ўзгарган тақдирда — олдинги фамилиясига ёзилган ҳужжатни тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси.

Ўқишга корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, муассасалар, ташкилотлар томонидан юборилган ўқувчиларга ягона форма бўйича йўлланма берилади.

Ўқишга кирувчилар паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари, ҳарбий ҳужжатларини шахсан кўрсатадилар.

Техникум қулай ётоқхонага эга.

Мурожаат учун адрес: 700011, Тошкент шаҳри ГСП, Навоий кўчаси, 30«а» уй (7, 8, 11, 16-трамвайлар; 28, 43, 64, 65, 91-автобусларнинг, 2, 7, 14, 18-троллейбусларнинг «Марказий телеграф» бекати). Телефон 44-64-54.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

13-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1987-1988 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти Ўрта Осиё «Электроаппарат» бирлашмаси, электрон-техника заводи учун қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлаб беради: АСБОБСОЗ-СЛЕСАРЬ, САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТЁР, УНИВЕРСАЛ ТОКАРЬ, ИККИЛАМЧИ КОММУТАЦИЯ ЗАНЖИРЛАРИНИ МОНТАЖ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ, ЭЛЕКТР МАШИНАЛАРИ ВА АППАРАТЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ, ЧИЗМАКАШ-КОНСТРУКТОР, ТЕХНИКА КОНТРОЛИ БЎЛИМИНИНГ НАЗОРАТЧИСИ, САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЬ, СОНЛИ ПРОГРАММА БЎЙИЧА БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРНИНГ ОПЕРАТОРЛАРИ.

Ўқишга 8-10 синф маълумотидаги 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 1—3 йил. (танлаган ихтисосига кўра). 8-синф маълумоти билан ўқишга қабул қилинганлар тўрт маҳал овқат, кийим-бош билан; 10-синф маълумоти билан ўқишга кирганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юрти битирувчилари олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кириш ҳуқуқини берувчи диплом оладилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик, фото, расм чизиш, тўқиш, бичиш-тикиш, радио тўгараклари ва турли спорт секциялари ишлаб турибди.

Адрес: 700105, Тошкент шаҳри, Манжара кўчаси, 137-уй (12, 26, 37, 68, 183, 52-автобуслар; 1, 5, 26. трамвайларнинг «Қорасув» бекати.). Телефонлар: 91-69-64, 91-68-74.

50-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8-10 маълумотидаги йигит-қизларни, шунингдек, Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшларни қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Радио аппаратуралари ва приборлари монтажчиси, программа билан бошқариладиган станокларнинг токарь-оператори, программа билан бошқариладиган станокларнинг фрезерчи-оператори. Ўқиш муддати—1 йил ва 3 йил.

Радио аппаратуралари ва приборлари йиғувчи-слесарь, электрогаз пайвандчи, бўёқчи, бўёқчи алифловчи, сувоқчи. Ўқиш муддати — 3 йил.

Кенг профилдаги дурадгор. Ўқиш муддати — 1 йил.

8-синфни битириб, ўқишга кираётганлар (ўқиш муддати — 3 йил) ўрта маълумот ва касб бўйича таълим оладилар. Улар тўла давлат таъминотида бўладилар; 10-синф маълумотига эга бўлганлар — 1 йил таълим оладилар ва уларга ойига 75 сўм стипендия тўланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади. Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР—1987 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Таълим курсини муваффақиятли тамомлаган кишилар ўқишни давом эттириш учун танлаган касби бўйича олий ёки ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма олишлари мумкин.

Билим юрти ҳузурида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва турли спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), яшаш жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справкалар, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см), характеристика, таржимаи ҳол.

Адрес: Тошкент область, Калинин район маркази, Юсупов кўчаси, 1-уй (Метронинг—«Собир Раҳимов» станциясидан 153, 448-автобуслар билан «Район маркази»гача борилади).

Шарафли касб

Сотувчилик касби — замонавий ва қизиқарли касблардан бири. Чаққон хизмат кўрсатиш, буюмларнинг афзалликларини тушунтириш, янгиликларга қизиқтира билиш, одамлар билан мулоқотда хушмуомала ва эътиборли бўлиш —кўпроқ қизларга хос хусусиятлардир.

БИЗ УЛАРНИ «ТЕХНИКА—РУЗҒОРДА» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА (Тошкент шаҳри, «Марказ-14», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспекти, 24-уй) ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Мактаб-магазинга Тошкентда доимий пропискада бўлган 10-синф ҳажмида маълумотли қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 6 ой бўлиб, умумий меҳнат стажига қўшилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 63 сўмгача стипендия берилади.

Битирувчиларга кичик сотувчи малакаси берилиб, улар «Ташхозторг» магазинларида иш билан таъминланадилар.

Бир йилдан сўнг ёш мутахассислар Тошкент совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Ўқишга кириш учун: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат, паспорт, уч дона фотосурат (5х6 см), турар жойидан справка, «Ташхозторг» директори номига ариза топшириш керак.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 24-уй, кадрлар бўлими. Соат 9.00 дан 18.00 гача.

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-59-53).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Вьетнам Социалистик Республикасининг «ДЎСТЛИК» ордени билан мукофотланган

11-ЎРТА-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

РАҚАМЛИ ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРНИНГ ТОКАРЬ-ОПЕРАТОРИ, РАҚАМЛИ ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРНИНГ ФРЕЗЕРЧИ-ОПЕРАТОРИ, БАДИИЙ МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДУРАДГОР, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, КАБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ МОНТЕРИ, ТЕХНИКА НАЗОРАТИ БЎЛИМИ КОНТРОЛЕРИ, ЭЛЕКТР-АСБОБ-УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТЁР, САНОАТ СОВУТИШ ҚУРИЛМАЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА УЛАРНИНГ РЕМОНТИ БЎЙИЧА МЕХАНИК.

Ўқиш муддати — 1-3 йил.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига 14 ва ундан катта ёшдаги 8-10 синф маълумотига эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синф маълумотига эга бўлганлар давлат таъминотида бўладилар, уч маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. Улар уч йил ўқийдилар, ўқишни тугатгач тўлиқ маълумот ва эгаллаган касби бўйича диплом оладилар. Совет Армияси сафларидан қайтган ва билим юртига ўқишга кирган ёшларга ойига 76 сўм стипендия берилади.

Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топилган меҳнат ҳақининг 50 проценти тўланади.

БИЛИМ ЮРТИДАГИ ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўқишни давом эттириш учун ўрта махсус ва олий ўқув юртларига йўлланма берилади, улар олий ўқув юртларига киришда мактабларни медаль билан тамомлаган ўқувчилар билан тенг имтиёзга эга бўладилар.

Билим юрти замонавий, яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, лабораториялар, устахоналар, спорт базаси, техника-ижодий тўгаракларга эга. «Смена» вокал-чолғу ансамбли, агитбригада, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, ҳамда «Ровесник» дискоклуби фаолият кўрсатмоқда. Ёшларнинг ёзги дам олиш базаси мавжуд.

Билим юртига киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, медицина справкаси (086/У форма), туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, 6 дона фотосурат (3х4 см.), характеристика, яшаш жойидан справка.

Паспорт, ҳарбий учётда турганлиги ҳақида гувоҳнома, ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, 164-алоқа бўлими, Високовольтний массиви, 3-сектор (метронинг «М. Горький» станцияси, у ёғига 4-автобус билан «7-поликлиника».; 6, 13, 22-трамвайлар, 8-троллейбус билан «Маиший хизмат уйи»; 19, 156-автобуслар билан «Вторчермет» бекатларигача борилади).

Касб танлаймиз

«ШУҲРАТ» ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА БЕРАДИ

СОТУВЧИЛИК — ЗАМОНАВИЙ ВА ҚИЗИҚАРЛИ КАСБ. У АМАЛИЙ КУНИКМА БИЛАН БИРГА ЯХШИГИНА НАЗАРИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ.

Сиз «Шуҳрат» мактаб магазинида этика, эстетика, психология, товаршунослик соҳалари бўйича ҳар бир савдо ходими учун зарур билимларни олишингиз, кўникма ҳосил қилишингиз ва тажриба орттиришингиз мумкин.

Тошкентда доимий прописаси бўлган, 8 ва 10-синф ҳажмида маълумотли 17-25 ёшли қизларни «Шуҳрат» мактаб-магазини кириш имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилади.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Ўқиш муддати — 5 ва 6 ой.

Стипендия ойига 52 сўмдан 63 сўмгача.

Битирувчиларга кичик сотувчи ёки контролёр касб малакаси берилади ва улар Тошкент шаҳри савдо корхоналарида иш билан таъминланадилар.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 10 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Ўқишга кириш учун директор номига ариза, аттестат ёки маълумоти ҳақида шаҳодатнома, мактабдан ёки сўнггги иш жойидан характеристика, иккита 6х9 ва иккита 3х4 см ҳажмида фотосурат топшириш керак.

Мактаб-магазиннинг адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 11-квартал, 2-уй, (20, 34э, 41, 50, 70, 75, 79, 87-автобуслар; 6, 11, 12, 13, 19-троллейбусларда «Шуҳрат» бекати, метрода «Чилонзор» станциясигача борилади).

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ (ТЕЛЕФОН 75-58-77).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ

МАКТАБ-ОШХОНАЛАРИ

1987-1988 ўқув йили учун

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Машғулотлар — группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Ўқишга фақат 8-10 синф маълумотига эга бўлган 16 дан 30 ёшгача қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 ой.

Мактаб-ошхона Куйбишев районидаги ошхона ва кафеларда ишлаш учун 3-разряли малакали ошпазлар тайёрлайди.

Мактаб-ошхона икки қаватли бинода жойлашган бўлиб, модернизациялашган замонавий иссиқлик ва совутиш ускуналари ҳамда таълимнинг бошқа техника воситалари билан жиҳозланган. Ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.

Ўқиш вақтида ўқувилар ўз қийматидаги овқат, махсус кийим-бош, шунингдек 54-63 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Мактаб-ошхонани тамомлаганларга 3-разряддаги малакали ошпаз ихтиссини эгаллаганликлари ҳақидаги гувоҳнома берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Пушкин кўчаси,101-уй (метронинг «Пушкин» станцияси; 3, 23, 22, 29-трамвайларнинг «Район партия комитети» бекати) Телефон 67-18-03.

ҚАРТОГРАФ-ГРАВЁРЛАР КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўқишга 8-10 синф маълумотидаги 15 дан 30 ёшгача бўлган Тошкент шаҳрида пропискада турувчи қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 1 ой. Стипендия — ойига 63 сўм.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

Ҳужжатлар ҳар куни қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Орифов кўчаси, 8-уй, кадрлар бўлими (9, 24, 51, 60, 72, 98-автобуслар; 2, 3, 16, 22, 23 25, 28, 29-трамвайларнинг «Қозоғистон» кинотеатри» екати).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57.4; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.5; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53.6; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р 08896. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2177. Тиражи — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.